

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**САФАРОВ АСҚАРБЕК АСАДУЛЛАЕВИЧ**

**ЁНГОҚ ДАРАХТЛАРИНИНГ КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ**  
**КУРАШ ЧОРАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Сафаров Асқарбек Асадуллаевич**

Ёнғоқ дарахтларининг касалликлари ва уларга қарши кураш чораларини  
ишлаб чиқиш .....5

**Сафаров Асқарбек Асадуллаевич**

Болезни ореховых деревьев и разработка мер борьбы с ними .....23

**Safarov Asqarbek Asadullayevich**

Walnut tree diseases and development of measures for their control .....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**САФАРОВ АСҚАРБЕК АСАДУЛЛАЕВИЧ**

**ЁНГОҚ ДАРАХТЛАРИНИНГ КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ**  
**КУРАШ ЧОРАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Qx151 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ҳасанов Ботир Ачилович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Торениязов Елмурат Шерниязович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Шеримбетов Анвар Гулмирзаевич**  
биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_»\_\_\_\_\_, соат\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz); Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (539098-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги\_\_ -рақамли реестр баённомаси).

**Б.А.Сулаймонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

**Я.Х.Юлдашов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.н., профессор

**М.М.Адилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг йилдан-йилга ортиб бориши қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ҳажмини янада кенгайтириш ва юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан доимий таъминлашни талаб этади. Дунё бўйича бугунги кунда 1,098 млн. гектар майдонда ёнғоқзорлар мавжуд бўлиб, 3,829 млн. тоннагача ёнғоқ ишлаб чиқарилади<sup>1</sup>. Ҳозирги кунда ёнғоқ плантацияларини барпо этишда асосий касалликларга нисбатан чидамли ёнғоқ навлари асосида ушбу касалликлардан ҳимоя қилиш муаммоси долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда ёнғоқ меваларини етиштириш ва экспорт қилишда етакчи ўринларни Хитой, АҚШ, Эрон, Туркия, Мексика, Украина ва Чили давлатлари эгалламоқда. Бироқ, ёгингарчилик кўп бўлиб, ҳаво ҳарорати паст ва намлик юқори бўлган йилларда ёнғоқзорларда ҳосил касалликлар таъсирида йўқолиши кузатилади<sup>2</sup>. Дунёнинг барча давлатлари учун ёнғоқ етиштириш, ҳосилдорликни ошириш, мева сифатини яхшилашда ёнғоқ боғларида учрайдиган марссониноз (*Marssonina juglandis*), оқ доғланиш (*Microstroma juglandis*), бўқоқ (пўкак) (*Inonotus hispidus*) ва айрим бошқа касалликлари, уларни кўзғатувчи микроорганизмларнинг биоэкологик хусусиятлари ва уларга қарши илғор ресурстежамкор кураш чораларини яратиш каби устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб бориш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Республикада интенсив технологиялар асосида етиштириладиган ёнғоқ боғлари майдонларини кенгайтириш ва уларнинг ҳосилдорлигини оширишда уларда учрайдиган касалликларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармонининг 3.3 бандида «...қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга янги интенсив боғлар барпо этиш, касалликларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекцион навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш» муҳим стратегик вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги ПҚ-3025-сонли «Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида республикада замонавий ёнғоқ плантацияларини барпо қилиш, етиштириш технологияси бўйича илмий асосланган усуллар ва янги интенсив технологияларни кенг жорий этиш кўзда тутилган бўлиб, ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида республикада жами 10 минг гектар майдонга асосан оддий ёнғоқ (*Juglans regia*) кўчатлари экилган ёнғоқзорлар

<sup>1</sup><http://www.fao.org/faostat>

<sup>2</sup><https://www.botanichka.ru/article/bolezni-i-vrediteli-na-walnut>

барпо этилди, юкорида келтириб ўтилган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ёнғоқ дарахтларида 202 та касаллик қайд этилган, аммо уларнинг учраши ва зарари бир хил эмас. Ёнғоқнинг дунёда энг кўп учрайдиган касалликларидан марссониноз ва бактериоз ҳақидаги маълумотлар Европа (Болгария, Венгрия, Испания, Италия, Туркия, Украина ва б.), Осиё (Хитой, Эрон, Ўзбекистон, Ҳиндистон, Қирғизистон ва б.), Шимолий (АҚШ, Канада) ва Жанубий Америка (Аргентина), Африка (ЖАР) олимлари томонидан илмий журналларда мунтазам равишда чоп этилади (F.Berry, Г.П.Озолин, М.Д Прутенская, К.Шамсиев, ва б., G.Juhbsov et al., A.Belisario et al., V.A.Arnaudov, S.I.Gandev, S.Mapelli et al., H.Saremi, M.E.Amiri, V.A.Arnaudov et al., S.Ceroviж et al., M.Hassan, K.Ahmad, M.Hassan et al., ва б.).

Ёнғоқ дарахтларларининг касалликлари ва уларга қарши кураш чораларини ўрганиш бўйича Ўзбекистонда Ф.Г.Ахмедова, К.Шамсиев, М.Ш. Киргизбаева, Ю.Ғаффоров, Б.А.Ҳасанов, А.Ш.Ҳамроев, Б.Д.Клейнер, М.Г. Гулямова, А.Г.Гузалова, О.Мавлянов, Россияда Н.М.Пидопличко, А.А. Ячевский, В.Ф.Пересыпкин, Қирғизистонда М.Д.Прутенская, Эронда M.Hassan, K.Ahmad, H.Saremi, M.E.Amiri, A.R.Zamani, D.Frutos, АҚШда F.Berry, D.Neely, S.F.Chen, T.J.Michailides, J.Moral, R.Guajardo, J.R.Lamichhane, M.E.Miller, J.E.Adaskaveg, R.Sambaraju, P.M.Kolarik, Италияда A.Belisario, Хитойда Т.Н.Зhu, Н.У. Wang, Испанияда С.Моратегра, Н.Цзактан, Францияда Е.Мйнарлар илмий тадқиқот ишларини амалга оширишган.

Ўзбекистонда ёнғоқ дарахтининг касалликлари ҳақида биринчи маълумотлар Ф.Г.Ахмедова томонидан чоп этилган ва унда Тошкент вилояти Бўстонлик туманида ёнғоқ дарахтларига марссониноз, кўчатхоналарда ёш дарахтларига эса ун-шудринг иқтисодий зарар етказиши эътироф этилган. Аммо бундан кейинги йилларда ёнғоқзорларда тарқалган касалликларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар амалда ўтказилмаган, уларга қарши кураш чоралари ҳам умуман тадқиқ қилинмаган.

Мамлакатимизнинг иқлими оддий ёнғоқ дарахтларида зарарли организмлар кўпайиши ва тарқалиши учун қулайлиги туфайли мавжуд бўлган ёнғоқзорларни ҳамда янгидан ташкил этилаётган плантацияларни касалликлардан ҳимоя қилувчи усулларни ишлаб чиқиш жуда муҳим. Шунингдек, янги, хориждан келтирилаётган кўчатларда учраш эҳтимоли бўлган инвазив патогенларнинг тур таркибини мунтазам назорат қилиш ва уларнинг республикаимиз табиий ёнғоқзорларида тарқалиши ва зарар етказишининг олдини олиш мақсадида уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш ҳам долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, биз ёнғоқ дарахти касалликлари тур таркибини, уларнинг тарқалиши ва зарарини, ёнғоқнинг асосий касалликларига қарши фунгицидларнинг самарадорлигини аниқлаш ҳамда кимёвий кураш усулининг ёнғоқ ҳосилига таъсирини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқотлар ўтказишни режалаштирдик.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Ўсимликларни химоя қилиш илмий тадқиқот институти илмий ишлар режасидаги БВ-А-ҚХ-2018-320 «Оддий ёнғоқни (*Juglans regia* L.) касаллик ва зараркунандалардан химоя қилишнинг ресурстежамкор усуллари ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** республикада оддий ёнғоқда замбуруғлар кўзгатадиган касалликлари тарқалиши, ривожланиши ва зарарини аниқлаш ҳамда касаллик кўзгатувчиларининг биологик хусусиятларини ўрганган ҳолда уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

мамлакатимизнинг марказий минтақалари ва Фарғона водийси ёнғоқзорларида касалликлар тарқалиши ва ривожланишини мониторинг қилиш;

оддий ёнғоқда касаллик кўзгатувчи микроорганизмларнинг тур таркибини аниқлаш;

ёнғоқнинг кенг экиладиган ва истиқболли коллекцион навларининг марссониноз касаллигига чидамлилигини аниқлаш;

марссониноз кўзгатувчи замбуруғнинг дала шароитида сақланиш усулини аниқлаш;

ёнғоқ касалликларининг мева ҳосилига зарарини аниқлаш;

ёнғоқ касалликларига қарши ишлатиладиган усул ва воситаларнинг хўжалик ҳамда иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга тавсиялар бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистоннинг марказий минтақалари ва Фарғона водийсида табиий ёнғоқзорлар ва ёнғоқ плантацияларидаги катта ёшли дарахтлар ва ёш кўчатларнинг касалликлари ва уларни кўзгатувчи микроорганизмлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистоннинг марказий минтақалари ва Фарғона водийсидаги табиий ёнғоқзорлар ва ёнғоқ плантацияларидаги катта ёшли дарахтлар ва ёш кўчатлардир.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Ёнғоқ дарахтларининг касалликлари ва уларга қарши кураш чораларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар 2017-2019 йилларда Тошкент вилоятининг академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти, Бўстонлик тоғ илмий тажриба станцияси хўжалиги далаларида, касаллик кўзгатувчиларининг тур таркибини аниқлаш ва лаборатория тажрибалари ТошДАУ Қишлоқ хўжалик фитопатологияси кафедрасида амалга оширилди. Йўналишли кузатувлар Тошкент, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари туманларидаги ёнғоқзорларда

олиб борилди. Ёнғоқ дарахтларининг барглари ва мевалари касалликлар билан зарарланиши даражалари 6-баллик, новдалари зарарланиши 5-баллик эмпирик шкалалар ёрдамида ҳисобга олинди. Ёнғоқ касалликлари тарқалиши ва ривожланиши даражалари ВИЗР қўлланмасида (А.Е.Чумаков и др., 1974) келтирилган формулалар ёрдамида ҳисоблаб топилди.

Ёнғоқ дарахтларининг зарарланган аъзоларининг намуналарини олиш, улардан потаген замбуруғларни ажратиш ва уларнинг микроскопик белгиларини ҳамда патогенлик хусусиятларини ўрганишда микология ва фитопатологияда (З.Кирай и др.,1974; W.Gams et al.,1987)<sup>3</sup> ҳамда ўрмон фитопатологиясида (С.В.Шевченко, А.В.Цилюрик,1986) умумқабул қилинган усуллар қўлланилди.

Касалликларга қарши қўлланилган биопрепарат ва фунгицидларнинг биологик самарадорлиги ВИЗР (1985)<sup>4</sup> ва ЎЗР Давлат Кимё комиссиясининг (Ш.Хўжаев ва б., 2004)<sup>5</sup> услубий кўрсатмаларига биноан ҳисоблаб чиқилди.

Касаллик кўзгатувчи замбуруғларнинг турлари уларнинг микроскопия жараёнларида олинган белгиларини аниқлагичлардаги (М.В.Еллис,1971; Н.М.Пидопличко, 1977а,б, 1978; В.С.Саттон, 1980; С.В.Шевченко, А.В.Цилюрик, 1986; Б.А.Ҳасанов ва б., 2010) диагностик параметрлар билан солиштириш орқали идентификация қилинди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ёнғоқ дарахтларида марссониоз энг кенг тарқалган касаллик эканлиги ва тоғли минтақаларда кучли ривожланиши аниқланган;

илк бор ёнғоқ кўчатларининг илдизлари ва илдиз бўғзи чириши туфайли 10% гача кўчат нобуд бўлиши, касалликни асосан *Fusarium* туркуми турлари кўзгатиши аниқланган;

22 та коллекцион ёнғоқ нав, форма ва гибридларидан марссониоз касаллигига 3 таси ўртача чидамли, 8 таси нисбатан чидамли ҳамда 4 таси чидамли эканлиги аниқланган;

маҳаллий шароитда ёнғоқнинг марссониоз касаллигини кўзгатувчи замбуруғ зарарланган баргларнинг тўқималари ичида мицелийси билан қишлаши мумкинлиги аниқланган;

тоғли минтақаларда марссониоз касаллиги ёнғоқ мевалари ҳосилини 17,9% дан 49,4% гача камайтириши мумкинлиги аниқланган;

ёнғоқнинг марссониоз касаллигини кўзгатувчи замбуруғларга қарши Скор 25% эм.к. (0,2% ли), Дифен супер 55% н.кук.(0,15-0,25% ли), Фалькон 46% эм.к. (0,3-0,5% ли) ва Силлит 40% сус.к. (1,0-1,5% ли) фунгицидларининг таъсири аниқланган;

<sup>3</sup>Gams, W., Van der Aa, H.A., Van der Plaats-Niterink, A.J., Samson, R.A., Stalpers, J.A. 1987. CBS Course of Mycology. Third edition. Baarn – Delft. 140 pp.

<sup>4</sup> Методические рекомендации по оценке фитосанитарного состояния посевов пшеницы при интенсивных технологиях возделывания. ВИЗР, Л., 1985, 67 стр.

<sup>5</sup> Хўжаев Ш.Т. ва б. Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. 2-нашр. Ўзбекистон республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги кимёлаштириш ва ўсимликларни химоя қилиш воситалари давлат комиссияси. Тошкент, 2004, 104 б.



**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

мамлакатимизда табиий ёнғоқзорларда ва плантацияларда дарахтлар ва кўчатларда касалликлар тарқалиши ва ривожланиши даражалари аниқланган; дала тажрибаларида ёнғоқ дарахтларининг касалликларига қарши биологик самарадорлиги юқори бўлган замонавий фунгицидлар аниқланган; касалликларга қарши кимёвий кураш ёрдамида ёнғоқ меваларининг 17,9-49,4% ҳосилини сақлаб қолиш мумкинлиги аниқланган;

«Ёнғоқ дарахтининг касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари» мавзусидаги монография чоп этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** лаборатория ва ёнғоқзорларда тажрибалар умумқабул қилинган фитопатологик ва микологик усуллардан фойдаланилган ҳолда ўтказилганлиги, услубий жиҳатдан тўғрилиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижалари хорижий ва маҳаллий тажрибалар маълумотлари билан солиштирилганлиги, илмий тадқиқот ишлари математик-статистик таҳлил қилинганлиги, тадқиқотлар натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертация натижалари Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги ва натижалар амалиётга жорий этилганлиги билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадиққот натижаларининг илмий аҳамияти ёнғоқ касалликлари турлари, тарқалиши, зарари ҳамда ривожланиши ҳақида янги маълумотлар олиниши, «Ёнғоқ дарахтининг касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари» мавзусидаги монография чоп этилиши ҳамда ёнғоқ дарахтларининг касалликларига қарши кимёвий кураш чоралари асосланиши билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мамлакатимиз шароитида касалликларга чидамли ёнғоқ навлари аниқланиши, ёнғоқ дарахти касалликларига қарши юқори самарали фунгицидлар аниқланиши, дарахтларни кимёвий ҳимоя қилиш бўйича тавсиялар берилганлиги ҳамда диссертация натижалари амалиётга жорий қилинганлиги билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ёнғоқ плантацияларида замбуруғ кўзғатадиган касалликларни тарқалиши, ривожланиши ва зарарини аниқлаш, районлаштирилган ёнғоқ навларини касалликларга чидамлилигини ўрганиш ҳамда касалликларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижалари асосида:

ёнғоқ дарахтларида марссониноз касаллигини кўзғатувчи *Marssonina juglandis* соф культурага ажратилган ва унинг репрезентатив штамми Ўзбекистон ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг жаҳон микроорганизмлар коллекциялари марказига 862-рақам билан рўйхатдан ўтказилган коллекцияси халқаро микроорганизмлар кадастрида рўйхатга олиниб, халқаро тадқиқотлар учун тақдим қилинган ва тегишли сертификат олинган (ЎзР ФАнинг 2019 йил 24 декабрдаги 4/1255-3325-сон маълумотномаси). Натижада *Marssonina juglandis* замбуруғига оид маълумотлар биохилма-хилликлар электрон базаси

ахборот-таҳлил тизимини бойитган ва ушбу маълумотлардан дунёнинг турли минтақаларида *Marssonina juglandis* нинг репрезентатив штаммидан тадқиқотларда фойдаланилмоқда;

ёнғоқ боғларида учрайдиган кўнғир доғланиш (марссониноз), бўқоқ, илдиз ва илдиз бўғзи чириши касалликларига қарши Скор 25% эм.к. (0,2 л/га), Дифен супер 55% н.кук. (0,25 кг/га), Фалькон 46% эм.к. (0,5 л/га) ва Силлит 40% сус.к. (1,5 л/га) препаратлари Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида 205 гектар, Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида 500 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 30 декабрдаги 02/030-4523-сон маълумотномаси). Натижада ёнғоқзорларнинг ҳар бир гектаридан 23,2-39,7 центнер гача мева ҳосили сақлаб қолинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда ҳамда 1 та монография чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, етти та боб, хулосалар, фойдаланган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ёнғоқ дарахтларини касалликлардан химоя қилишнинг аҳволи ва истиқболлари**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари, дунёдаги етакчи олимларнинг илмий ишларининг натижалари, ёнғоқ касалликларининг ўрганилганлик даражаси, асосий касалликларнинг тарқалиши, зарари, қўзғатувчилари ва уларнинг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар ҳамда бу касалликларга қарши кураш чоралари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотларни ўтказиш шароити ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жой, унинг материаллари ва усуллари бўйича маълумотлар берилган.

Ёнғоқ дарахтларининг касалликлари ва уларга қарши кураш чораларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар 2017-2019 йилларда Тошкент вилоятининг академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти (БУВИТИ), Бўстонлик тоғ илмий тажриба станцияси (БТИТС) хўжалиги далаларида, касаллик кўзгатувчиларининг тур таркибини аниқлаш ва лаборатория тажрибалари ТошДАУ Қишлоқ хўжалик фитопатологияси кафедрасида амалга оширилди. Йўналишли кузатувлар Тошкент, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари туманларидаги ёнғоқзорларда олиб борилди. Ёнғоқ дарахтларининг барглари ва мевалари касалликлар билан зарарланиши даражалари 6-баллик, новдалари зарарланиши эс 5-баллик эмпирик шкалалар ёрдамида ҳисобга олинди. Ёнғоқ дарахтларининг касалликлари тарқалиши ва ривожланишининг ўртача даражалари ВИЗР қўлланмасида (А.Е.Чумаков и др., 1974) келтирилган формулалар ёрдамида ҳисоблаб топилди.

Ёнғоқ дарахтларининг зарарланган аъзоларининг намуналарини олиш, улардан касаллик кўзгатувчи замбуруғларнинг соф культураларини ажратиш ва уларнинг микроскопик белгиларини ҳамда патогенлик хусусиятларини ўрганишда микология ва фитопатологияда (З.Кирай и др., 1974; W.Gams et al., 1987) ва ўрмон фитопатологиясида (С.В.Шевченко, А.В.Цилюрик, 1986) умумқабул қилинган усуллар қўлланилди;

Касаллик кўзгатувчи замбуруғларнинг турлари уларнинг микроскопия жараёнларида олинган белгиларини аниқлагичлардаги (М.В.Еллис, 1971; Н.М.Пидопличко, 1977а,б, 1978; В.С.Саттон, 1980; С.В.Шевченко, А.В.Цилюрик, 1986; Б.А.Ҳасанов ва б., 2010) диагностик параметрлар билан солиштириш орқали идентификация қилинди.

Марссониноз кўзгатувчи замбуруғнинг дала шароитида сақланишини ўрганиш бўйича тадқиқотда зарарланган ёнғоқ барглари икки қат филтёр қоғозидан ясалган папкаларга, улар эса капрон сетка ичига солинди ва 2018 йил 25 октябрь куни ЎХҚ ИТИ нинг лизиметрида тупроқ устида қишлагга қолдирилди. 2019-йили баҳорда 20-апрель ва 3-май кунлари ҳар вариантдан битта папка ТошДАУ нинг лабораториясига келтирилди ва барглар фитопатологик ва микологик таҳлил қилинди.

Касалликларга қарши қўлланилган биопрепарат ва фунгицидларнинг биологик самарадорлиги ВИЗР (1985) ва ЎЗР Давлат Кимё комиссиясининг (Ш.Хўжаев ва б., 2004) услубий кўрсатмаларига биноан ҳисоблаб чиқилди.

Диссертациянинг «**Ёнғоқзорларда касалликлар тарқалиши ва ривожланиши**» деб номланган учинчи бобида 2018 ва 2019 йилларда ўтказилган ёнғоқ плантациялари ва табиий ўрмонзорларида касалликлар учраши ва ривожланишини аниқлаш бўйича йўналишли кузатувларнинг натижалари келтирилган.

Кузатувлар учта вилоятнинг (Тошкент, Самарқанд, Фарғона) 7 та туманида, 11 та нуқтада ўтказилди: **ТП** – Тошкент вилояти, Пискент тумани (3-нчи йил ниҳоллари); **ТҚ** – Тошкент вилояти, Қибрай тумани (3-нчи йил ниҳоллари); **ФҚ** – Фарғона вилояти, Қўштепа тумани (15- ва 17-йиллик дарахтлар); **ФД** – Фарғона вилояти, Данғара тумани (17-йиллик дарахтлар);

СУ – Самарқанд вилояти, Ургут тумани (21-йиллик дарахтлар); СЖ – Самарқанд вилояти, Жомбой тумани (3-йиллик ниҳоллар); ТБ – Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани (39-40 ёшли дарахтлар ва 1-3-йиллик ниҳоллар). Кузатув натижалари қуйида келтирилади (1-жадвал).

1-жадвал

Ёнғоқ плантацияларида ва табиий ўрмонзорларида ёнғоқнинг асосий касалликларининг учраши ва ривожланиши (Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари, 2018-2019 йй.)

№	Кузатув санаси	Кузатув ўтказилган жой (навлар)	Марссониноз		Оқ доғланиш		Мевалар бактериози		Бўқоқ 3-ғи
			Т*	Р*	Т	Р	Т	Р	Т
1.	2018	ТП (Ч, Ф**)	0	0	0	0	0	0	0
2.	2018	ТҚ (Ч)	0	0	0	0	0	0	0
3.	2018	ФҚ (И)	70,0	32,5	5,5	>0,1	8,4	5,5	10,0
4.	2019	ФҚ (И)	73,0	33,5	8,0	>0,1	10,2	3,1	5,5
5.	2019	ФҚ (Ю)	45,2	14,3	8,0	>0,1	9,3	2,4	16,0
6.	2018	ФД (И)	40,0	18,0	3,5	1,3	0	0	8,0
7.	2019	ФД (И)	46,0	19,0	6,0	1,2	8,4	2,1	9,0
8.	2018	СУ (Б)	40,0	18,7	0	0	10,5 <sup>III</sup>	2,5	>0,1
9.	2019	СУ (Б)	85,0	48,2	0	0	15,2 <sup>III</sup>	5,6	>0,1
10.	2019	СЖ (Ч)	0	0	0	0	0	0	0
11.	2018	ТБ (И)	74,0	31,7	10,0	3,2	8,0	3,5	5,0
12.	2019	ТБ (И)	80,0	35,2	7,0	>0,1	11,0	3,8	6,0
13.	2019	ТБ (И)	23,0	11,2	21,0	9,4	0	0	0
14.	2018	ТБ (Ю)	45,0	10,6	4,5	>0,1	6,0	2,5	0,5
15.	2019	ТБ (Ю)	48,0	11,6	9,0	2,8	10,1	3,2	0

Изоҳлар: \* Т – касаллик тарқалиши, %; Р – касаллик ривожланиши даражаси, %. \*\* Навлар: Б – Бўстонлик; И – Идеал; Ф – Франкетт; Ч- Чандлер; Ю – Юбилей. <sup>III</sup> – сой ёнидаги битта дарахтда мевалар жуда кучли зарарланиши қайд этилди, бунда Т=90,0% ва Р=36,4% ни ташкил қилди.

Ушбу кузатувларда ёнғоқ дарахтларида кўнғир доғланиш (марссониноз) (кўзгатувчиси *Marssonina juglandis*), барглари оқ доғланиши (кўзгатувчиси *Microstroma juglandis*), бактериал чириш (*Xanthomonas arboricola* pv. *Vauterin* et al., синонимлари *X. campestris* (Pam.) Dowson pv. *juglandis* (Pierce) Dye, *X. juglandis* (Pierce) Dye, *Pseudomonas juglandis* Pierce), ниҳолларнинг илдизлари, илдиз бўғзи ва поясининг пастки қисми фузариоз чириши (*Fusarium* spp.) ҳамда дарахт пояларида бўқоқ (пўкак) замбуруғи (*Inonotus hispidus* (Bull.) P. Karst., синонимлари *Inonotus hirsutus* (Scop.) Murrill, *Polyporus hispidus* (Bull.) Fr.) кўзгатувган касалликлар ҳамда абиотик табиатли

ноинфекцион касалликлар – кўнғир-қизғиш ва тўқ-сарик бўртиқли доғланиш касалликлари қайд этилди. Ёнғоқнинг зарарланган аъзолари таҳлилларининг натижалари келтирилган.

Марссониноз оддий ёнғоқнинг энг кенг тарқалган касаллиги бўлиб, тоғли ва тоғолди минтақаларининг барчасида ёнғоқ навларининг кўпчилиги кучли зарарланиши қайд этилди. Шу билан бирга ҳатто тоғли минтақаларда ҳам ёнғоқнинг айрим нисбатан чидамли навларида касаллик кам ривожланиши кузатилди. Ушбу маълумотлар МДХ да ва чет мамлакатларда ўтказилган кузатувларнинг натижаларига мос келади. Марссониноз фақат текислик жойлардаги плантацияларда Чандлер навининг ёш кўчатларида учрамади.

Кўнғир доғланиш билан зарарланган ёнғоқ барглариининг фитопатологик / микологик таҳлилларида касалликнинг қўзғатувчиси *Marssonina juglandis* замбуруғи эканлиги тасдиқланди. Ушбу замбуруғ таҳлиллардаги 124 та зарарланган барг сегментларининг 54,8% дан ажралиб чиқди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Доғланиш билан зарарланган ёнғоқ барглари ва барг бандлари сегментларини микологик таҳлил қилиш натижалари (Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари, 2018-2019 йй.)

Таҳлилдаги намуна тури ва сони, дона	Таҳлилдаги сегментлар сони, дона	
	жами	муайян патоген замбуруғ тури ўсиши қайд этилган
Барглар ва барг бандлари кўнғир доғланиши – 7 та намуна	124	<i>Marssonina juglandis</i> – 68
Барглар оқ доғланиши – 4 та намуна	72	<i>Microstroma juglandis</i> – 38
Барглар қизғиш-кўнғир доғланиши – 2 та намуна	40	Патоген замбуруғ ўсиши қайд этилмаган – 0
Барглар сарик доғланиши – 4 та намуна	72	Патоген замбуруғ ўсиши қайд этилмаган – 0
<b>Ўсиши қайд этилган бошқа замбуруғ турлари</b>		
Барча намуналар – 17 та намуна	308	• <i>Fusarium</i> sp. – 6
		• <i>Alternaria</i> spp. – 70
		• <i>Cladosporium</i> , <i>Stemphylium</i> ва тури аниқланмаган бошқа сапротроф замбуруғлар – 21
		• Замбуруғлар ўсиши қайд этилмаган – 171

Бизнинг кузатувларда оқ доғланиш (қўзғатувчиси базидиомицет *Microstroma juglandis*) тоғли минтақаларда катта дарахтларнинг деярли барчасида қайд этилди, аммо аксарият ҳолларда ривожланиши кучсиз (<0,1% ва 1,3% орасида) бўлди. Текислик минтақаларида кўчатларда оқ доғланиш умуман учрамади. Унинг анча жиддий кўриниши БУВИТИ БТИТС кўчатхонасидаги 1-3-ёшли кўчатларда қайд этилди: касал ўсимликлар сони

9,0-21,0% га, касаллик ривожланиши эса 2,8-9,4% га етди. Касаллик кўзгатувчи замбуруғ ёнғоқ баргларида характерли белгилари ҳамда унинг кўзгатувчисини барглardan озуқа муҳитига ажратиш орқали идентификация қилинди. Бунда кўзгатувчи таҳлилдаги 72 та сегментнинг 52,8% дан ўсиши қайд этилди.

Ёнғоқнинг бошқа касалликларидан қаттиқтукли бўқоқ замбуруғи (*Inonotus hispidus*) барча кузатилган жойларда катта ёшли дарахтларда қайд этилди; касаллик тарқалиши айрим ёнғоқзорларда 16% гача етди. Ушбу натижалар қаттиқтукли бўқоқ замбуруғи мамлакатимизда анча кенг тарқалганлиги ҳақида тадқиқотчилар келтирган маълумотларга мос келади (Ф.Г.Ахмедова, 1960).

БУВИТИ БТИТС кўчатхонасида ёнғоқ ниҳолларининг илдизи, илдиз бўғзи чириши ва нобуд бўлиши қайд этилди. 2018 ва 2019 йиллари текширилган 1117 ва 1125 та Идеал навининг бир ёшли кўчатларининг 97 ва 112 тасининг (8,7% ва 9,96%) илдизи ва илдиз бўғзи қорайиб, чириб нобуд бўлаётганлиги аниқланди. Лабораторияда таҳлил қилиш учун бундай кўчатларнинг репрезентатив намуналари олинди. Таҳлил натижалари қуйида келтирилади (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Илдиз ва илдиз бўғзи чириши билан зарарланган ёнғоқ кўчатларини микологик таҳлил қилиш натижалари (БУВИТИ БТИТС, 2018-2019 йй.)

Намуналар сони, дона	Таҳлилдаги сегментлар сони, дона	
	жами	ўсиб чиққан замбуруғ турлари ва улар қайд этилган сегментлар сони ва фоизи
4	72	<i>Fusarium</i> sp. – 39 (54,2%)
		<i>Alternaria</i> spp. – 14 (19,4%)
		Мицелийси оч тусли замбуруғлар – 7 (9,7%)
		Мицелийси тўқ тусли замбуруғлар – 9 (12,5%)
		Замбуруғ ўсиши қайд этилмаган – 14 (19,4%)

*Изоҳлар.* Намуналар БУВИТИ БТИТС кўчатхонасида 2018 ва 2019-йилларда (хар йили 2 та дан) олинган. *Озуқа муҳитлари:* оч агар-агар ва Чапек муҳити. Зарарланган аъзоларнинг сегментлари хар бир Петри идишига 4-5 тадан экилди.

Таҳлилда озуқа муҳитларига экилган 72 та зарарланган илдиз ва илдиз бўғзи сегментларининг 54,2% дан *Fusarium* туркумига мансуб замбуруғлар ўсиб чиқиши қайд этилди. Улардан соф культурага ажратилган 3 та изолятнинг ҚДА муҳитидаги морфологияси *F. solani* (Mart.) Appel & Wollenw. туриникига ўхшаш эканлиги, мицелийси оч (сарғиш-кREM ва оч нимранг) тусли бўлган 7 та изолят ҳам *Fusarium* туркуми турлари бўлиши тахмин қилинди. Илдиз сегментларининг тахминан 30% дан сапротроф турлар (*Alternaria* spp. ва споралари *Cladosporium* турлариникига ўхшаш тўқ тусли замбуруғлар) ўсиб чиқиши кузатилди; 14 та сегментдан замбуруғлар ўсиши қайд этилмади.

Адабиётлардан маълумки, *Fusarium* туркуми турлари, жумладан *Fusarium episphaeria* (Tode) W.C. Snyder & H.N. Hansen (телеоморфаси *Dialonectria episphaeria* (Tode: Fr.) Cooke) (Mielke, Ostry, 2004) ва *F. solani* ёнғоқ кўчатларининг асосий патогенлари қаторига киради. Масалан, *F. solani* Испанияда кўчатхонада ялпи тарқалиб, оддий ёнғоқнинг 3500 та бир йиллик кўчатларининг 33% ни зарарлаган (Mulero-Aparicio et al.,2019), Хитойда эса темир ёнғоқда жуда кенг тарқалиб, дарахтларни нобуд қиладиган даражада кучли илдиз чиришини кўзғатган (L.Zheng et al.,2015). Бизнинг тадқиқот натижалари ёнғоқ кўчатларида илдиз чиришни *Fusarium* туркуми турлари кўзғатиши ҳақидаги ушбу маълумотларни тасдиқлайди.

Бизнинг таҳлилларда ёнғоқ баргларида учраган кўнғир-қизғиш ва тўқ-сарик бўртиқли доғланиш (ҳамда кўчатлар поясида ёриқлар ҳосил бўлиши) юқумсиз касалликлар эканлиги аниқланди.

Оддий ёнғоқ дарахтларида дунёда учрайдиган 7 та бактериал касалликдан Ўзбекистонда фақат биттаси – *Xanthomonas arboricola* pv. *juglandis* кўзғатадиган бактериал чириш мавжуд. Бизнинг кузатувларда ушбу касаллик амалда катта дарахтларнинг барчасида, уларнинг меваларининг 6-10% да аниқланди; Самарқанд вилоятида айрим дарахтларнинг 90% дан кўп мевалари бактериоз яралари билан 36,4% гача қопланиши қайд этилди.

Бизнинг кузатувларда ёнғоқ мевалари ташқи ва ички томонидан моғор замбуруғлари билан зарарланиши қайд этилди. Уларнинг турларини аниқлаш мақсадида Тошкент ва Самарқанд вилоятидан 8 та намуна микологик таҳлил қилинди (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Чириш билан зарарланган ёнғоқ мевалари микологик таҳлилининг натижалари (Тошкент ва Самарқанд вилоятлари, 2017-2019 йй.)

Ёнғоқ мевалари қисмларидан ўсиши қайд этилган замбуруғ турлари	Намуналарда замбуруғлар учраши*	
	мева қобигининг эти	меваларнинг мағзи
<i>Alternaria alternata</i> (Fr.) Keissler s.l.	+ /+++	++
<i>Alternaria</i> spp.	+ /++	+ /+++
<i>Aspergillus niger</i> v. Tiegh.	–	– /+
<i>Cladosporium</i> spp.	– /++	– /+
<i>Fusarium</i> spp.	+ /+++	± /+++
<i>Mucorales</i> spp.	– /±	– /±
<i>Penicillium</i> spp.	–	– /+
<i>Trichoderma</i> spp.	–	– /+
<i>Trichothecium roseum</i> Link	–	– /±
Тури аниқланмаган замбуруғлар	+ /++	+ /++

Изоҳлар. \* Замбуруғ турлари учраши: жами 32 та мева эти ёки мағзи сегментларининг 10 тасидан кўпида (+++), 6-10 тасида (++) , 3-5 тасида (+) ёки 1-2 тасида (±) қайд этилган; «–» - қайд этилмаган.

Таҳлил натижалари кўрсатишича, чириётган ёнғоқ меваларида *Alternaria* ва *Fusarium* энг кўп, бошқа моғор замбуруғлари онда-сонда ёки жуда кам учради. Ушбу натижалар адабиёт хабарларига мос келади (A.Belisario et al., 2002; T.J.Michailides et al., 2012, 2013-a,b ва б.).

Диссертациянинг «**Ёнғоқ навларининг марссониноз касаллигига чидамлилиги**» деб номланган тўртинчи бобида навларнинг ушбу касалликка чидамлилигини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари баён қилинган.

Мамлакатимизда ёнғоқ касалликлари орасида кўнғир доғланиш энг кенг тарқалган ва иқтисодий аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда биз БУВИТИ БТИТС ёнғоқ навлари коллекциясида ўстирилаётган 22 та нав, форма ва гибридларнинг ушбу касалликка чидамлилигини аниқладик. Бунинг учун биз, ҳисобга олинган касаллик тарқалиши ва ривожланиши қийматлари асосида, навларнинг ҳар бирида касаллик индексини ( $K_n$ ) аниқладик. Касаллик индексларини таҳлил қилиш асосида ёнғоқнинг текширилган навларини чидамлилиги даражалари бўйича қуйидаги бешта гуруҳга бўлдик: 1) чидамли навлар гуруҳи ( $K_n = 0,1-2,0$ ); 2) нисбатан чидамли ( $K_n = 2,1-10,0$ ); 3) ўртача чидамсиз ( $K_n = 10,1-20,0$ ); 4) чидамсиз ( $K_n = 20,1-30,0$ ) ва 5) ўта чидамсиз навлар гуруҳи ( $K_n = >30,0$ ).

Ушбу тадқиқотда таҳлилдаги 22 та генотипдан 4 таси жуда чидамсиз, 3 таси чидамсиз, бошқа 3 таси ўртача чидамли, 8 та нав нисбатан чидамли ҳамда 4 та генотип чидамли эканлиги аниқланди. Селекционер олимларга янги навларни яратишда касалликка чидамли Гибрид 640, Гибрид 652 ва Қозоғистон навидан бирламчи материал сифатида фойдаланиш тавсия қилинди.

Диссертациянинг «**Марссониноз кўзғатувчи замбуруғнинг дала шароитида сақланиши**» деб номланган бешинчи бобида патогеннинг қиш даврида сақланишини ўрганишда олинган тадқиқот натижалари келтирилган.

Марссониноз билан зарарланган ёнғоқ барглари филтр қоғоздан ясалган папкаларга, улар эса капрон сетка ичига солинди ва 2018 йил 25 октябрь куни ЎХҚ ИТИ нинг лизиметрида қишлашга қолдирилди. Кейинги йили 20-апрель ва 3-май кунлари ҳар вариантдан битта папка лабораторияга келтирилди ва баргларнинг сегментлари устки қисмидан стерилланиб, Петри идишларидаги оч агар-агар муҳитига экилди. Бунда ўсиб чиққан замбуруғларнинг турлари ёки туркумлари аниқланди. Кўнғир доғланиш касаллигини кўзғатувчи замбуруғ таҳлилда экилган барглар ва барг бандларининг сегментларидан ўсиб чиқиши частоталари паст (мос равишда, 13,1 ва 8,3%) бўлди, аммо бундан қатъий назар, ушбу патоген ўсимлик қолдиқларида, хусусан зарарланган барглар ва қисман барг бандларида қишлаб чиқиши мумкинлиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Ёнғоқ касалликларига қарши кимёвий усулнинг самарадорлиги**» деб номланган олтинчи бобида замонавий фунгицидларнинг ёнғоқ касалликларига қарши самарадорлигини ҳамда ёнғоқ касалликларининг мева ҳосилига таъсирини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган.



Фунгицидларни синаш тажрибалари БУВИТИ БТИТС ёнғоқзорларида икки йил давомида ўтказилди. 2018-йилги тажриба 10 вариантдан иборат бўлиб, унда учта кимёвий (Дифен Супер 55% н.кук., Силлит 40% сус.к., Курзат 49,2% н.кук.) ва иккита биологик фунгицид (Фитолавин с.э.к., Спорлагин с.э.к.); 2019-йили тажриба 12 вариантдан ташкил топди ва бунда 6 та кимёвий фунгицид (Дифен Супер 55% н.кук., Скор 25% эм.к., Фалькон 46% эм.к., Коритус 50% с.э.г., Крезоксин 50% с.э.г., Майсеб М-45 80% н.кук.) ҳар хил меъёрларда синалди. Фунгицидлар дарахтларга ҳар мавсум давомида уч мартадан пуркалди. Ёнғоқ барглари, новдалари ва меваларида касаллик тарқалиши ва ривожланиши ҳар йили 4 марта ҳисобга олинди. Касаллик ривожланиши динамикасини ҳамда фунгицидларнинг биологик самарадорлигини аниқлаш учун биз таҳлилларимизда бирламчи маълумотларни қайта ишлаб, формула орқали топилган касаллик индексларини ( $K_n$ ) қўлладик. Икки йиллик тажрибаларнинг натижалари қуйида келтирилган (5-жадвал).

### 5-жадвал

**Ёнғоқнинг марссониоз касаллиги ривожланиши индекслари ва фунгицидларнинг охириги ҳисобга олиш пайтидаги марссониозга қарши биологик самарадорлиги (БУВИТИ БТИТС, 2018-2019 йиллардаги тажриба натижалари бўйича йиғма жадвал)**

Вариант	Синов йили	Сарф-меъёри, л, кг/га	Касаллик индекси, балл			Биологик самарадорлик, %		
			Б*	Н	М	Б	Н	М
Дифен Супер 55% н.кук.	2018	0,15	2,5	0,7	0,7	89,4	90,3	87,5
	2019	0,15	1,1	0,4	0,4	96,1	96,3	94,9
Дифен Супер, 55% н.кук.	2018	0,25	0,1	0,0	0,0	99,6	100	100
	2019	0,25	0,2	0,1	0,1	99,3	99,1	98,7
Силлит 40% сус.к.	2018	1,5	1,8	0,7	0,5	92,3	90,3	91,1
Фалькон 46% эм.к.	2019	0,3	2,3	1,2	1,0	91,8	88,8	87,3
Фалькон 46% эм.к.	2019	0,5	0,9	0,8	0,6	96,8	92,5	92,4
Скор 25% эм.к.	2019	0,2	1,8	0,6	0,5	93,6	94,4	93,7
Назорат (ишлов берилмаган)	2018		23,5	7,2	5,6	–	–	–
Назорат (ишлов берилмаган)	2019		28,2	10,7	7,9	–	–	–
ЭКФ <sub>05%</sub>			–	–	–	1,9	3,1	3,6
ЭКФ <sub>10%</sub>			–	–	–	3,3	3,7	3,2

*Изоҳлар:* 1. Охириги ҳисобга олишда аниқланган касаллик индекслари келтирилган. 2. Биологик самарадорлиги барча ёнғоқ аъзоларида 90% дан кам бўлган фунгицидлар бўйича маълумотлар жадвалга киритилмаган. \* *Қисқартиришлар:* Б-барглар, Н-новдалар, М-мевалар.

